

ЭРИКСОННИНГ ШАХС РИВОЖЛАНИШИ ПСИХОИЖТИМОЙ НАЗАРИЯСИ

Тошкент Амалий Фанлар Университети Педагогика факультети

Психология йўналиши 1- босқич талабаси

Хикматова Мадина Исмаиллаевна

Тошкент Амалий Фанлар Университети доценти, PhD

Кудратовна Лола Равшановна

Тошкент Амалий Фанлар Университети Педагогика факультети

Педагогика ва Психология йўналиши 3- босқич талабаси

Мансурова Муножат Исмаиллаевна

Аннотация: Ушбу мақолада Эрик Эриксоннинг ЭГО ҳақида тушунчалари Эриксон назариясининг асосий моҳияти тадқиқотлари, шахсий ривожланишни психоижтимоий назарияси таҳлил қилинади. Муаллиф умри давомида изланишлари, она ва бола методи, инсон ҳаётини саккиз босқичга ажратиб, ҳар бир босқичдаги инкироз (кризис) ва унинг шахсий ўсишга таъсирини кўрсатади. Мақолада ҳар бир босқич жадвал кўринишда таъкидланган.

Калит сўзлар: Эрик Эриксон, шахсий ривожланиш, психология, ижтимоий инкироз, психоижтимоий назария, таълим, тарбия, эго-психология, индентитлик, ритуализация, модуслар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются представления Эрика Эриксона о ЭГО, основное содержание его теории, а также психосоциальная теория личностного развития. Автор в течение жизни проводил исследования, разработал метод “мать и дитя”, разделил жизнь человека на восемь этапов и показал влияние кризисов на каждом этапе на личностный рост. В статье каждый этап представлен в виде таблицы.

Ключевые слова: Эрик Эриксон, личностное развитие, психология, социальный кризис, психосоциальная теория, образование, воспитание, эго-психология, идентичность, ритуализация, модусы.

Abstract: This article examines Erik Erikson's concepts of the ego, the core essence of his theory, and his psychosocial theory of personal development. Throughout his life, the author conducted research, developed the "mother and child" method, and divided human life into eight stages, highlighting the crisis at each stage and its impact on personal growth. Each stage is presented in a tabular format in the article.

Keywords: Erik Erikson, personal development, psychology, social crisis, psychosocial theory, education, upbringing, ego psychology, identity, ritualization, modes.

КИРИШ

Шахс ривожланиши нафақат биологик ёки психологик жараён, балки ижтимоий муҳит билан узвий боғлиқ жараёндир. Америкалик психолог Эрик Хомбургер Эриксон ўзининг психоижтимоий ривожланиш назарияси орқали инсон ҳаётининг барча боскичларидаги шахсий ўсишни тушунтиришга ҳаракат қилган. УЗ.Фрейдни ва издоши булиб Анна Фрейд назарияси каби психологик тахлили амалиётдан кейин юзага келди ва инсон ҳаёти давомидаги ривожланиши ривожланишни психологик ва ижтимоий омиллар ўзаро таъсири асосида изоҳлайди Эриксоннинг назарияси Фрейднинг психоаналитик моделидан илҳомланган бўлса-да, у инсон ҳаётини фақат болалик билан чекламайди. Эриксон инсоннинг бутун умр давомида ривожланишини психоижтимоий муаммолар асосида изоҳлайди ва саккизта асосий ривожланиш боскичини тавсифлайди.

Маколада Э.Х.Эриксон назарияси кўриб чиқилиб, индивиднинг психологик ривожланишига урғу берилган. Э.Эриксон З.Фрейднинг издоши бўлиб АКШнинг 200 йиллигига бағишлаб нашр қилинган «Машхур Америкаликлар луғати»да З.Фрейддан кейин психоаналитик ишлатганлар ичида ёрқин шахс сифатида тилга олинган. (13.286)

Америкалик психолог Э.Х.Эриксон (1902- 1994) эго психология йўналишининг вакили сифатида машхур бўлиб, Эриксон Европадан эмиграция қилинган урушдан кейинги кичик болалардаги хавотирлик, хиндлардаги умидсизлик, уруш ветеранлардаги саросима, натцис(Германия фашистлари)даги шавкатсизлик учраган инсонларга ёрдам беришга интиланган.

Эриксоннинг ишлари психикани тадқиқ этишнинг янги йули, психологик-тарихий усуллардан дарак беради. Эриксон бу усул ёрдамида М.Лютер, М.Ганди, Б.Шоу, Т.Джефферсон, ва бошқа буюк одамларни таржимаий холини, шунингдек замондошлари катталар ва болаларнинг хаётий тарихини тахлил килади.(10.456)



Эриксон клиник характердаги тадқиқотлардан ташқари 2 та хинд қабиласида болалар тарбиясини дала этнографик тадқиқотини ўтказди, АКШ да яшовчи оилалар болалари билан солиштиради.

Э.Х.Эриксон бир қанча асарлар ёзган бўлиб, Болалик ва жамият (1950), Идентиклик ўспиринлик инқирози (1968), Идентиклик ва хаётий цикл (1979), Етуклик (1979) бу асарларида ЭГО ривожланиши хақидаги тассавурларни баён этган.(1.1076) ЭГО идентиклик шахсий меннинг барқарорлиги, узлуксизлиги, яхлитлигини субъектив хис қилдиришдир деб хисоблаган. Ритуализация- тугма асосга эга булиб, хаёт давомида мураккаблашиб бойиб боради.

Психоижтимоий назариянинг асосий ғояси

Эриксон назариясининг асосий мохияти шундан иборатки, хар бир инсон ўз хаёти давомида 8 та босқичдан ўтади, хар бир босқичда унга ижтимоий талаблар қўйилади ва “психоижтимоий инқироз” (кризис) билан юзма-юз келади. Бу инқирозлар муваффақиятли ҳал этилса, инсон салоҳиятини ривожлантириб, соғлом шахс сифатида камол топади. Агар инқироз ечилмаса, кейинги босқичларда психологик муаммолар юзага келиши мумкин.деб такидлаган. Хар бир босқични ўтказган тадқиқотлари ва тажрибаларига суянган холда ёритиб берган. Яна у шуни такидлаганки авлодларнинг эҳтиёжлари ва имкониятлари симметрик унинг коспекциясида улар ўзаро боғлиқ.

Назариянинг амалиётдаги аҳамияти

Ёш	Ривожланиш натижаси	Ривожланишнинг меърий чизиги	Ривожланишнинг бузилган чизиги
0-1 ёш она	Атрофдаги одамларга ишрнч-ишинчсизлик	Одамларга ишонч: узаро мухаббат ва ота-оналарва боланинг боғланганлигини тан олиш, болаларни мулоқот ва бошқа хаётий муҳум эҳтиёжлари кондирилиши	Одамларга ишончсизлик, онанинг болага йомон муносабати, инкор этиш учун этирозлиги, меҳридан маҳрум қилиши натижаси. Болани кукракдан жуда эрта ёки кескин ажратиш, уни хиссий ажратиб қуйиш.
1-3 ёш Ота-оналар	Мухтобият-тобелик	Мустақиллик, узига ишонч, бола узига мустақил, бироқ хали ота онасига тобе сифатида қарайди	Узига шубҳа уятнинг гипертрафияга учраган туйғуси: бола узини мослашмаганлигини хис қилади, қобилиятига шубҳаланади, ривожланишда элемент ҳаракатга доир малакаларни етишмаслигини хис қилади. Нутқи заиф ривожланади, узини атрофдагилардан тушқунликка тушганини яшириш истаги ривожланади.
3-6 ёш	Ташаббус ишонч-	Фаоллик: жонли тассавур, атроф оламни фаол урганиш, катталарга тақлид	Пассивлик, бушашганлик, ташаббуснинг йуклиги, бошқа болаларга нисбатан хасаднинг инфантил

Ота -она Ака -ука Опа -сингил	айбдорлик туйгуси	килиш, ахлоқнинг жинсий ролига киришиш.	туйгуси, тушкунлик жинсий роллар ахлоқ белгиларинг йуклиги.
6- 12ёш Ма ктаб Ку шнилари тан ишлар	Мехн атсеварлик Тулак онли эмаслик туйгуси	Мехнатсеварлик, мажбурият ва ютуқларга интилиш ривожланган туйгуси, мураккаб топшириқлар, ривожланишга мусобакага оид вазиятлардан коммуникатив кочиш, тулакони эмаслик, куникмалар. Уз олди га халокатга маҳкумлиқнинг тулик реал вазифалар куяди туйгуси, комфортлиқ, кулларга ва хал килади, оид ахлоқ, турли вазифаларни хал фантазия ва уйинларни килишда килинадиган кучларнинг инструментал ва натижасизлиги. предметли харакатларни фаол узлаштиришга йуналтирилганлиги, масалага орентация.	Тулакони эмаслик туйгуси: мехнатга оид султ ривожланган куникмалар, мураккаб топшириқлар, мусобакага оид вазиятлардан кочиш, тулакони эмаслик, халокатга маҳкумлиқнинг тулик туйгуси, комфортлиқ, кулларга оид ахлоқ, турли вазифаларни хал килишда килинадиган кучларнинг натижасизлиги.
13- 18ёш Тен ғдошлари	Бирда млик роллари аралашуви	Хаётий уз-узини англаш; вақтинчалик истикболлар, келажакка режалар, уз- узини билиш, қандай булиш? Ким булиш?	Ролларнинг алмашинуви: коришиш, нафакат келажак туғрисида, балки утмиш хақидаги фикрлар, манавий кучлар уз-узини билишга жамлаш, ташки олам билан муносабатларга зарар

гур уҳи		кабиларнинг ривожланиши, узини фаол излаш, турли ролларда эксперимент утказиш, ахлоқ шакилларида аниқ гендер кутибланиш, тенгдошлари гуруҳларида сардорлик ва зарурият тутилганида унга буйн суниш.	етказиш билан узини англашга булган кучли яккол ифодага интилиш, жинсий ролни кайд килиш, жиннсий ролни ахлокий белгилари коришиб кетиши
Бар вакт улгайиш	Якин лик изоляция	Якинлик: калб илиглиги, тушуниш, ишониш, узининг бир кисмини куркмасдан бошка инсонга бераолишлик	Изоляция: ёлгизлик, кувгинлик
Улг айганлик	Генра тивлик стагнация	Генерация: максадга интилувчанлик, махсулдорлик	Стагнация: шахсий хаётнинг факирлашуви инкирози
Ети лганлик	Барка рорлик умидсизлик	Шахс баркарорлиги: хаётинг йулининг тугалланганлиги туйгуси, режа ва максадларни амалга	Умидсизлик: тугалликнинг йуклиги, яшаган хаётдан кониқмаслик

		ошириш, туликлик ва баркарорлик	
--	--	---------------------------------	--

Эриксон назарияси таълим-тарбия, психология ва ижтимоий ишлар соҳасида кенг қўлланилади. Ота-оналар, ўқитувчилар ва психологлар ушбу назария орқали болалар ва катталарда кечаётган ривожланиш босқичларини тушунишлари, уларнинг эҳтиёжларини аниқлашлари мумкин.

Э.Х.Эриксон буйича шахс ҳаётининг йулининг босқичлари (1.110 б)

б-жадвал

ХУЛОСА

Эриксоннинг психоижтимоий назарияси инсоннинг шахсий ривожланишига холис ва мукамал ёндашув ҳисобланади. У ҳаётнинг ҳар бир босқичида инсон қандай ижтимоий ва психологик муаммолар билан юзма-юз келишини ва уларни қандай енгиб ўтиши лозимлигини кўрсатади. Бу назария нафақат психологик тадқиқотларда, балки таълим, тарбия ва ижтимоий соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Инсоннинг соғлом ривожланиши учун ҳар бир босқичдаги эҳтиёжлар ва кризислар тўғри тушунилиб, уларга ечим топиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу назария инсоннинг ҳар бир босқичдаги муваффақияти унинг кейинги ривожланишига таъсир килишини таъкидлайди. Эриксон қўллаган бу методикалардан фойдаланиш ҳозрги замон талабига ҳам тўғри келади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Эриксон шахс ривожланиш босқичларини кетма-кетлигини кўрсатади босқичларнинг бор тизимини яхлид мақсадга эришишни айтиб беради лекин унинг сўзларига кўра эпигенез схемаси методологияси фразеология қисмларини келгусида ўрганиш, таффакур ва мулоҳаза қишил учун очик қолдиради.

Хулосани Э.Х.Эриксоннинг сеvimли файласуфи Кергегорнинг

ХАЁТ ТЕСКАРИ ТАРТИБДА ТУШУНИЛИШИ МУМКИН, БИРОК УНИ БОШИДАН ЯШАШ КЕРАК (1.126 б.)

сўзлари билан якулламоқчиман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Nishonova Z.T. va boshqalar Rivojlanish psixologiyasi. Pedagogik psixologiya T. 2018
 2. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды В2т.-М., 1980 Т 2
 3. Братус Б.С. Психологические аспекты нравственного развития личности М., 1977 С.21-64 Педагогическая психология М., 1991
 4. Davletshin M.G. va boshqalar Yosh davrlar va Pedagogik psixologiya T., TDPU 2009
 5. Davletshin M.G. Zamonaviy maktab o'qituvchisining psixologiyasi {ilmiy ommabop seriya} T., Nizomiy nomidagi TDPU 1999/1
 6. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учебник для вузов М., Логос, 2002
 7. Немов Р.С. Психология Учеб. для студ. Высше. пед. заведений 2003
 8. Nishonova Z.T. Mustaqil ijodiy fikrlash T., Fan 2003
 9. Nishonova Z.T. Dustmuxamedova Sh.A. Yosh davrlari va pedagogic psixologiya
 10. Фрейд З. Введение в психоанализ лекции М., 1991
 11. Фромм Э. Человеческая ситуация М., 1995
 12. Эриксон Э.Х. Молодой Лютер М., 1996
 13. Эриксон Э.Х. Идентичность: юность, кризис М., 1996
- Фойдаданиш мумкик бўлган хаволалар**
14. Verywell Mind
 15. PositivePsychology.com
 16. ExplorePsychology.com